

**Замонавий олий ўқув юрти ва мактаб ўқитувчиси фаолиятини
режалаштириш ва яратиш йўллари**

Жўраева С.Н.

Психология фанлари

НОМЗОДИ

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилган. Ўқув-тарбия жараёнларини илмий ва методик жиҳатдан мукамал ташкил этиш муваффақиятлар гаровидир. Бунда барча турдаги машғулотлар ва мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашга, ижодий меҳнат қилишга, ҳар томонлама фикр юритишга, берилган топшириқларни ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб ҳал этишга ўргатади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги асосий тамойиллардан бири - бу таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш, юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш, илғор педагогик технологияларни, педагогик инновацияларни таълим жараёнига киритиш ҳисобланади.

Аmmo илғор педагогик технологиялар ва инновациялар ўз-ўзидан таълим тизимига кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг мотивациясига боғлиқ жараён. Ўқитувчи фаолиятини ўзгартирмай туриб, унинг масъулияти ва фаоллигини оширмасдан таълимда бир қадам олдинга силжиб бўлмайди. Академик А.Н. Леонтев «Дунёни идрок қилишнинг биринчи шarti -фаолият, иккинчи шarti - тарбиядир. Фаолият жараёнида кишиларнинг қобилияти, билим ва малакалари шаклланади, демак, фаолият-ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳаётий курашнинг асосий шartидир», - деб таъкидлайди.

Бугунги кунда педагогика соҳасида янги илмий йўналиш - педагогик инновация ва таълим жараёнини янгилаш ғояларининг пайдо бўлиши

натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳам янги йўналиш «ўқитувчининг инновацион фаолияти» тушунчаси пайдо бўлди.

Инновацион фаолият-педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутди. Таълимдаги инновациялар ва инновацион педагогик фаолият ҳақида барқарор ва ҳаммага маъқул бўлган илмий тасаввурлар ва таснифлар шу пайтгача мукамал таркиб топган эмаслигини ҳам эътироф этиш лозим. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири таълимга йўналтирилган илмий билимлар тизимлари ўртасидаги қийинчилик билан енгиб ўтиладиган узилишлардир. Яна каттароқ сабаб эса таълимий билим ва амалий педагогик фаолият ўртасидаги узилишдир. Ўқитувчи инновацион фаолиятнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда оммалаштиришда иштирок этади. У фандаги билим, анъаналардаги ўзгаришлар мазмунини ва моҳиятини таҳлил эта билиши керак.

Инновация -амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Бу ғоя назарияси моҳиятининг яратишига нисбатан турли ёндашувлар ва фикрлар мавжуд бўлиб, унинг моҳияти борасида фанда ягона фикр мавжуд эмас. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлар. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация-маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир.

Бугун таълим тизимидаги инновацияларни қуйидагича таснифлаш маъқулланмоқда:

Фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги).

Кирилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (радикал, модификацияланган, комбинацияланган).

Ўзгаришлар кўламига кўра (локал, модулли, тизимли).

Келиб чиқиш манбаига кўра (шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган).

Инновациянинг мақсади-сарфланган маблағ ёки кучдан энг юқори натижа олишдан иборат. Бошқа турли-туман ўз-ўзидан пайдо бўладиган янгиликлардан фарқли ўлароқ, инновация бошқарилувчи ва назорат қилинувчи ўзгаришлар механизмини ташкил этади.

Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли «новация» ва «инноватсия» тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислохот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новатсия билан мулоқот қилаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келсагина инновация дея оламиз.

Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: иновация амалдаги назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхлит ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Бугунги жадаллашган технологиялар асрида ривожланиб бораётган бизнинг жамиятимиз ҳаётида жамоат корхоналарининг барча тармоқларида янгича фикрлаш услублари шаклланиши зарур бўлиб, унда ўқитувчининг

касби вакилларида педагогик тафаккурнинг янгича услубларини эгаллаш масаласини ҳал этиш талаб этилади. Қуйидагилар педагогик тафаккурнинг янгича услубларини эгаллашда тахмин қилинади:

- биринчидан ўқитувчининг психологик тайёрлиги ва моҳирлигида демократик принцип (халқпарварлик, инсонпарварлик ва ҳақ.)лари ва ўз фаолияти ғояларига амал қилинади;

- иккинчидан, ўз меҳнати шароитларини аниқлаштириб, олий ва умумий таълим мактабларидаги янги педагогик технологияларнинг ривожланаётган муҳим масалалари моҳирона амалий жиҳатдан ўрганилиши.

- учинчидан, ўз меҳнатининг доимий ижодий янгиланиш усулларига бўлган интилиш ва қобилият-шахсий тажрибалар ва илғор педагогик тажрибалар, шунингдек, замонавий педагогик ғоялар мажмуаси асосида вужудга келади.

Шубҳасиз, янги педагогик тафаккурни юқоридаги тушунчалар асосида эгаллаш-педагогик олийгоҳларнинг ўзидаёқ бўлажак ўқитувчилар учун интеллектуалликка асосланган тайёргарликни талаб этади. Педагогика олийгоҳларининг талабаларининг касбий тафаккурни шакллантириш мазмунидаги каби педагогик маълумот услублари ва шаклларида мақсадли фойдаланган ҳолда махсус ва системали ишлар зарур. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларимиз, тарбиячиларимиз ҳозирда ҳар қайси ижодкор ўқитувчи ўзининг меҳнати ҳамда ўқув - тарбиявий жараёнларини бутунлигича такомиллаштириш ва объектив таҳлил қилиш учун татбиқ этадиган, билим ва кўникмаларга асосланган татқиқотлар тизими билан қуроолланмоғи лозим.

Барча тадқиқотчилар «ўқитувчининг ижодий потенциали-биринчи навбатда ижодий фаолиятдаги зарурий эҳтиёж ва касбий тафаккур шаклланишидаги даража кўрсаткичига боғлиқ», - дея бир умумий ғоя остида бирлашадилар. Касбий тафаккурнинг шакилланиши қуйидаги аниқ масалаларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ.

1. Талабаларда мантиқий маданият тафаккурининг шаклланиши;
2. Бўлажак педагог мутахассисларни касбий тадқиқий билимлар ва кўникмалар билан қуролланиши;
3. Яққол педагогик қонунлар ва томоиллар, категориялар, назариялар кўчишини ўргатиш.
4. Талабаларда педагогик билиш интуицияси - мантиқан мулоҳаза юритмасдан, тахминан билишга асосланган касбий жараёнларнинг ривожланиши;
5. Бўлғуси тарбиячи ва ўқитувчиларни тарбиялашда диалектик тафаккур асослари биринчи навбатда, педагогик жараёнлар табиатини тушуниш ва кўра билиш маҳорати билан изоҳланади. (Унинг объектив зиддиятлари, ўз тараққиёти, педагогик жараёндаги объектив ва субъектив тамонларнинг ўзaro ўтишлари ва бошқалар).
6. Талабалар курс ва диплом ишларида, келажакдаги мустақил ишларида, илмий маърузаларнинг яратилиши жараёнида шунингдек шахсий педагогик тажрибаларини умумлаштириш ва таҳлил қилишда керак бўладиган, айрим жуда кўп қўлланиладиган услуб ва илмий тафаккурга оид процедура (предметлар англанишини ажратиш, тасвирлаш, изоҳлаш, моделлаштириш усуллари, фаразларнинг қўйилиши далиллар каби процедуралар) ларни ўргатиш.
7. Талабаларда касбий рефлексга бўлган қобилиятни, рефлексли тафаккурни тарбиялаш.
8. Талабаларга фикран суҳбатлаша билиш маҳоратини ўргатиш, бошқача қилиб айтганда, ўқувчилар орқали бўладиган интеллектуал муносабатлар ва суҳбатнинг яратилиш асослари билан боғлиқ бўлган мантиқий тафаккурини тараққий эттириш.
9. Факультет ихтисосини ҳисобга олган ҳолда талабаларда мутахассисликлари, яъни ўзлари таълим берадиган йўналишлари бўйича илмий доирада фикрлаш элементларини шакллантириш. Масалан, психология ўқитувчиси психологияга оид, бўлғуси физика ўқитувчиларида

физикага оид, тарихчиларда тарих соҳасига оид, математикларда эса математик тафаккурни шакллантириш ва ҳ .

Юқорида санаб ўтилган педогогик касбий тафаккурнинг шаклланишига оид бўлган масалалардан баъзи бирларини муфассалроқ кўриб чиқамиз:

Биринчи масала – бўлажак ўқитувчиларда мантиқий маданият тафаккурини шакллантириш. Эндигина иш бошлаган ўқитувчи ҳам ўқув материални хулосалашни ва таҳлил қилишни ҳамда мантиқий маданият изохланган билимларни бекаму-кўст эгаллаши шарт. Шунингдек, ўзининг ва бошқаларнинг хулосаларини рад қила олиши ва исботлаши, ҳодисалар табиатини тушунтира билиши ақл билан яқун ясай олиши, тушунчаларни мантиқан тўғри аниқлай олиши шарт.

Буларнинг барчаси нафақат дарс довомида янги мавзунини яхшигина тушуниб олиш учун керак, балки ўқитувчининг исботлаши ва хулосалашини ҳамда аниқ ишонарли мантиқий мулоҳазалар юритишини ўқувчи шахсидаги мантиқий маданиятнинг замин яратилиши мисолида кўриш учун керак. Шундай бўлса-да, педогогика олийгоҳларининг битирувчилари- ёш ўқитувчиларнинг ўзлари мантиқий маданият тафаккурини йироқда бўлишади. Улар мантиқнинг элементар билимларига ҳам эга эмас, масалан, кўпчиликлари ақлан хулосалашдаги турли кўринишларнинг мантиқий шаклда қурилишини ва тушунчаларни аниқлаб берадиган мантиқий усулларни билишмайди, мантиқий алоқалар оралиғини (конъюнкция, дизъюнкция, импликациялар) фарқлашмайди, «умумлаштирмак», «хулоса чиқармак» ва «тушунтирмак» каби тушунчаларни бир-бирига тенглаштиришади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ўқув фанлари бўйича самарали дарс беришда ўзининг салбий таъсирини албатта кўрсатади.

Аҳамияти унча кичик бўлмаган иккинчи масала - талабаларда ақлий тарбияни таркиб топтириш. Яъни бўлажак ўқитувчилар фаолиятидаги келгуси ишларда зарур бўладиган касбий тадқиқий маҳоратлар билан қуролланмоғи шарт. Бу амалиёт моҳирликлари ҳар қайси ижодкор ўқитувчи учун мутлоқо зарур. «Чинакам педагогик ижод, - деб ёзган эди

В.А, Сухомлинский, -ўз меҳнاتини илмий яқунлашга, илмий тадқиқотлар доирасига таълуқли»- деб ҳисоблаган эди.

Ўз ишига илмий муносабатда бўлиш учун ўқитувчи касбий хизматларнинг бир қанчасини бажара олишини намоён қилиши шарт:

1) ўқитувчи ва гуруҳ раҳбари, гуруҳ, синф жамоаси ва ўқувчилар шахсини ўрганишда тадқиқий маҳоратларини кўрсатишлари керак. Замонавий психология ўқитувчи ва гуруҳ раҳбарларига ёрдам сифатида ўқувчилар камолати ва тарбияланишини ҳамда ўқитиш савиясини ўрганувчи турли-туман услублар ва тадқиқий дастурларни ишлаб чиқишлари лозим.

2) ўқитувчи ва гуруҳ раҳбари жиддий фикрлаш ва миянинг илмий сифатларини намоён қилган ҳолда, ўз ишидаги шахсий тажрибаларини хулосалай олиши ва таҳлил қила билиши керак. Шахсий тажрибани хулосалаш ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган илмий маҳорат, бу- педагогик илмий услубларни қўллаш билан боғлиқ бўлган маҳорат бўлиб, кузатув, тажриба, моделлаштириш ва ҳ.з.лар билан изоҳланади.

3) ўқитувчига илмий маҳоратлар илғор педагогик, нававторлар тажрибалари билан танишиб, бу тажрибаларнинг яхши томонларини бойитиш ҳамда ўзининг индивидуал услубий системасида ва ўз педагогик фойлиятидаги индивидуал услубда такомиллаштириш учун керак.

Иккинчи масала билан учинчи масаладаги талабаларда касбий тафаккурнинг шаклланиши масаласи боғлиқ бўлиб, бунда янги педагогик ҳолатларда олий ўқув юрти ва мактаб ўқитувчиси меҳнатининг асосий вазифалари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун педагогик ва психологик кўчиш назарияларини, тушунчаларини, тамойилларини ўргатади. Бу вазифалар айниқса, олий ўқув юртида гуруҳда юзага келадиган ўз меҳнати натижаларини баҳолаш ва анализ қилиш, ҳамда педагогик жараёнларни таҳлил қилиш бўйича педагогик ҳодисалар ва фактларни ўқитувчи томонидан уқтирилишидаги вазифалар, шунингдек, янги педагогик ғояларни ижодий ўзлаштиришдаги вазифалар ўқитувчидан

унинг шахсий кузатишлари, яқунлашлари, фаразлари, чиқарган хуласалари ва боҳалашларининг илмий асосланганлигини талаб қилади. Бундай илмий асосланганликка ўқитувчини жалб қилган назариялар, қонунлар тушунчалар ва тамойилларни ҳамда унинг шахсий кузатишлари, яқунлашлари, чиқарган хулосаларини мослаштириш йўли билан эришилади.

Тўртинчи масала- педагогик интуиция (ички туғён) нинг психологик механизмларини талабаларда шакллантириш.

Ўқитувчи меҳнатида педагогик назариялар, қонунлар, тушунча ва қоидалар, тушунча ва қоидалар орқали тўғридан-тўғри йўл билан келиб чиқадиган мантиқий хулосаларнинг анчагина ечимини топиш мумкин бўлмаган масалалари вужудга келади.

Таълимий ва тарбиявий жараёнларда маълум назариялар ҳамда қонун тушунчалардан келиб чиққан ҳолда изчил, дедуктив, ақлий хулосалаш йўли билан педагогик ечимни қабул қилиш ва уларнинг изоҳлай олиш имкониятидаги ўта ўзига хослик ва ягоналик қоидаларига бўйсинган педагогик ҳолатлар содир этилади.

Шунинг учун ҳам тажрибали ўқитувчилар бирмунча касбий масалаларни ҳал этишда маниқан изчиллик бўлсада, дискурсив ҳолатдан кўра кўпроқ интуицияга асосланиб фикр юритишади.

Кейинги бешинчи масала-педагогик олийгоҳ талабаларида ақлий тайёргарлик масаласи бўлиб, унда диалектив фикр юритиш маҳоратини тарбиялаш кўзда тутилади. Бунинг учун диалектик мантиққа амал қилиш керак. Диалектик мантиқнинг асосий хусусиятлари қуйидагича:

1. Унинг мантиқий формалари ва услублари реал олам ҳодисаларини ҳамда предметларнинг ўзаро кўчиши ва ўзаро алоқадорлигини англашда ёрдам беради ва акс эттиради.

2. Диалектик мантиқ объектив воқелик зиддиятларини ошкор этади ва акс эттиради.

3. Диалектик мантиқ - инсонлардаги билишнинг узулишли ва дискретли эканлигини тақоза қилади .

4.Диалектик мантиқнинг энг характерли хусусияти- инфоратциялари етишмасликдан яққол кўринишдаги ҳолатда ҳам тўғри натижаларга эга бўлишимиз мумкунлиги билан изоҳланади.

Педагогик жараёнларда жуда турлича бўлган объектив ва субъектив омиллар бир - бири билан ўзоро таъсирлашиб, ўзоро шартлашилган ҳолатда бўлади. Бу омилларнинг ўзоро муносабатларида унча ноёб бўлмаган ўткир зиддиятли характерлар қабул қилинган, шунинг учун ҳам мактабдаги ўқув ва тарбиявий жараёнларда зиддиятлар кўпгина конфликт ҳолатларнинг юз бериши тасодиф эмас. Педагогик жараён факторларида буларнинг ҳаммасини ўзаро таъсирлашувида кўриш учун улар орасидаги зиддиятларнинг бартараф этган ва англаган ҳолда ўқитувчининг ўзи диалектик фикрлай олиши керак.

Янгиликнинг ижодий англанишида интуитив тарзда содир бўладиган ғоялар, гипотезаларнинг ҳал этувчи аҳамияти бундаги фикрлашларда интуициялар устунлигини акс эттирган ҳолда, ҳал этилаётган муаммолар бўйича кишилар билимининг етарли эмаслиги билан диалектик мантиқ ижобий натижаларга олиб боради. Демак, айнан диалектик фикрлаш,- теварак-олам ҳодисаларини шу жумладан, педагогик ҳодисаларни одамзот томонидан ижодий ҳамда назарий билиб олиш усули бўлиб ҳисобланади.

ХУЛОСА

Ҳозирги кун мактабларида ўқитувчидан ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш, режалаштириш ва амалга оширишда вужудга келадиган кўплаб муаммоларни зудлик билан ҳал этишни талаб этади. Бу муаммоларни олдиндан кўра олиш ва ҳал этиш, ўқув-тарбия жараёнидаги қарама-қаршиликларни ижодий усулларини қўллаб бартараф қилиш ҳозирги замон ўқитувчиси ва тарбиячисининг касбий-ақлий фаолиятини характерли хусусияти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А. Каримов Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
2. Б.Р.Қодиров “Ақлий истеъдод ХХІ асрнинг энг қимматли мулкидир”.Т-1999 й.
3. Э.Ғ.Ғозиев “ Тафаккур психологияси” Т- -1990 й.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда таълим тизимида ёшларни илғор педагогик технологиялар орқали диалектик тафаккурда тарбиялаш ва шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш масаласи –ўқув фаолиятидаги муҳим масала бўлиб хизмат қилиш усуллари кўрсатиб берилади.

Тошкент Давлат Аграр университети “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, психология фанлари номзоди С.Н.Жўраева томонидан тайёрланган “Замонавий олий ўқув юрти ва мактаб ўқитувчиси фаолиятини режалаштириш ва яратиш йўллари”

НОМЛИ МАҚОЛАСИГА

ТАҚРИЗ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳаларидан бўлгани каби маънавий-маърифий соҳада ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да педагоглар олдига қўйилган вазифаларнинг энг муҳимларидан бири ҳар томонлама камол топган, халқимизнинг миллий анъаналарини ўзида мужассам этган, эркин фикрловчи, гўзал ахлоқли шахсни тарбиялаш белгиланган.

Бундай долзарб талабларни амалга ошириш учун аввало ўқитувчи мураббийларнинг ўзи ҳар томонлама шаклланган бўлмоғи зарур. Шу боис, тайёрлаётган мутахассисларимизга педагогик билимлар, услубий кўрсатмаларни беришда ўқитувчи касбий тафаккур масаласига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Бугунги кунда ўқитувчи фаолиятини ўзгартирмай туриб, унинг масъулияти ва фаоллигини оширмасдан таълимда бир қадам олдинга силжиб бўлмайди.

Ушбу мақолада таълим-тарбия жараёнида бугунги кун замон талабига жавоб бера оладиган касбий тафаккурга эга бўлган инновацион фаолиятга эга бўлган ўқитувчиларни шакллантириш масалалари ҳақида тўлақонли маълумотлар келтирилган.

**Педагогика, психология ва ўқитиш
методикаси кафедраси доценти**

О.Авлаев

